

## ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7504040>



Акаева Марапат Абдухаликовна

Наманган давлат университети доценти



ELSEVIER



Received: 03-01-2023

Accepted: 04-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** Ушбу мақолада янги Ўзбекистоннинг учинчи ренессансга ўтиш жараёнида таълим соҳасидаги ислоҳотларни босқичма босқич амалга ошириши масаласи ёритилган

**Keywords:** Мамлакат, жамият, тенденция, аҳоли, демография, қатлам, ёшлар, глобал технологик жараён, ислоҳот, урбанизацияни, башарият тафаккур, ҳалқ, сиёсий дунёқараш, онг, маданияти, умумхалқ манфаати, таълим, ренессанс,

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Бугунги кунда олийгоҳларнинг таълим бериш фаолияти янада такомиллаштирилиб, ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз sogлом ҳамда гўзал турмуш кечириш, эгаллаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш, инсоний қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, қисқача айтганда, комилликка эришиш учун ҳаракат қиляпти ва бу жараёнда таълим олишни энг асосий шарт сифатида кўрмоқда.

Илм олиш кишилик жамияти тараққиётининг асоси ҳисобланади. Инсон илм билан жамиятни ва жамият бағридаги турли сиёсий институтларни шакллантириди, токи бу барчаси инсоният тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Инсоният амал қилувчи суннат қоидаларида ҳам “бешикдан қабргача илм ол”, ақидасига амал қилинган. Шарқ ренессанси даври қомусий олимлари барчаси илмнинг турли соҳаларини эгаллашган. Шарқ алломалари: Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Ал Хоразмий, Бурхониддин Марғilonий, Абу Бакр Косоний каби юзлаб донишманларимиз турли мамлакатларда илм йўлида изланишлар олиб боришган. Уларнинг илм олиш йўлидаги, шогирдларига илм ўргатиш йўлидаги захматлари бизга мерос бўлиб қолган.

Мамлакатимизда ўйғониш даври мутафаккирлари таълим соҳасидаги донишмандликлари билан “Уламолар молиги” даражаларига эришиб

келганлар. Улар таълим беришда бошқа давлатлар учун намуна бўла олганлар<sup>13</sup>.

Мамлакатимизда жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, аҳолининг демографик ўсиши, салмоқли қатlam бўлган ёшларнинг интилиши, глобал технологик жараёнлари кечмоқда. Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, биринчи навбатда, демографик жараёнлар ва урбанизацияни, башарият тафаккури хамда халқимизнинг ўсаётган сиёсий дунёқараси, онги ва маданияти, умумхалқ манфаати чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, - «Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади<sup>14</sup>» - деб таъкидлаганидек, биз таълимга алоҳида эътибор қаратишимиш керак. Хозирги замонавий тенденцияларни қўллаган ҳолда таълим соҳасини тубдан такомиллаштиришимиз керак. Янги Ўзбекистон хаётининг барча соҳалари чуқур ислоҳотлар майдонига айланган. Мамлакатимиз ва халқимиз хаётида кейинги беш-олти йил ҳеч ўйлаб кўрилмаган, хаёлга келтирилмаган янгиликларга бой бўлди. Айнан шу даврда мамлакатимиз иқтисодиётида, маданияти ва маънавиятида, ижтимоий-сиёсий хаётида, турмуш тарзида, дунёқарасиу, тафаккурида демократик ўзгаришлар юз берди. Умуман ҳамма соҳада катта юксалиш, ривожланиш ва ижобий ўзгаришлар даври бўлди. Бу даврда демократик қадриятлар, фуқароларнинг демократик-хуқуқий эркинликлари қарор топиб, матбуот ва сўз эркинлигига йўл очиб берилди. Жамиятга демократик хуқуқий ва матбуот эркинлигини бериш ҳар қандай давлат раҳбаридан катта матонат ва жасорат талаб этади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий қисмини, албатта, олий таълим тизимидағи ислоҳотлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мазкур соҳадаги янги ислоҳотлар учун дебоча вазифасини бажариб бермоқда.

<sup>13</sup> Chuboyeva Ozodaxon . Абу Бакр Косоний и его трудов в педагогике. Научный журнал. Учёный XXI ВЕКА.2020 год ISSN 2410-3586 .85-89 .

<sup>14</sup> Мирзиёев Ш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома.Тошкент., 2022 йил 20 декабрь

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси таълимдаги янги ислоҳотлар учун дебоча вазифасини бажариб беради.

Ушбу хужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чикириш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради.

Бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш давр талабига айланган. Ушбу талабдан келиб чиқсан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”<sup>15</sup>ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди, унда белгиланган масофавий таълим ҳақидаги қоидалар ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим оловчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникумаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.

Шунингдек, Қонунга кўра, давлат олий таълим, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта маҳсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Президент ёки Ҳукумат қарорлари билан ташкил этиладиган бўлди. Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа қўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган.

Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига олиб чиқиши учун хизмат қиласи

<sup>15</sup> Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020-y., 03/20/637/1313-son

Амалга оширилган ислохотлар нафақат мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, ҳатто халқаро майдонда ҳам мамлакатимиз обърӯ-эътиборини янги босқичга олиб чиқди.

таълимдаги камчиликларни танқидий таҳлил қилиб, уни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берди. Таълим тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, маънавий- маърифий мухитни замон талабига мослаш, ўқитувчи касбининг, нуфузини ошириш, янги давр педагогларини тарбиялаш масалаларини кун тартибига қўймоқдалар.

Бу ўринли бўлиб таълим тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонунимиз ва бошқа ҳужжатларда ўзаро номувофиқликлар мавжуд.

Айниқса, магистратура босқичидаги таълимни қонунда камида бир йил деб белгиланган. Хозирда бир йиллик ва икки йиллик магистратуралар мавжуд. Фақат уларга изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Қайси бири амалий фаолият учун ва қайси бири илмий фаолият учун шакллантирилганлигини белгилаш зарур.

Айна шу кунларда янги ислохотлар кутилмоқда. Таълим янги босқичга қўтарилади. Бу мамлакатимизни жаҳон миқёсидаги ўрнини белгилайди

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон. 2020 йил.
2. Мирзиёев Ш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома. Тошкент., 2022 йил 20 декабрь
3. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020-y., 03/20/637/1313-sон
4. Chuboyeva Ozodaxon . Абу Бакр Косоний и его трудов в педагогике. Научный журнал. Учёный XXI ВЕКА.2020 год ISSN 2410-3586 .85-89
5. Chuboyeva Ozodaxon. The importance of “Kazilik adabi” in Abu Bakr Kasani’s work “ Badoi-us-sanoe” International Scientific Journal ISJ Theoretical& Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 81 published January 30, 2020